

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ  
ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ  
КАФЕДРА: ЖАМОАТ САЛОМАТЛИГИ, СОҒЛИҚНИ  
САҚЛАШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА БОШҚАРИШ, ПЕДАГОГИКА ВА  
ПСИХОЛОГИЯ**

Касбий таълим йўналиши 7 курс талабаси  
**Умарқулова Сайёра Абдумаджидовнанинг**

*БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ*

**МАНЗУ: Талабаларнинг ақлий фаолиятини ривожлантириш**

***Илмий раҳбар: Мирзаева Ш.Р.***

Тошкент-2010

**ТошПТИ «Касбий таълим» йўналиши 7- курс талабаси**  
**Умарқулова Сайёра Абдумаджидовнанинг**  
**«Талабаларнинг ақлий фаолиятини ривожлантириш» мавзусидаги**  
**битирув малакавий ишига**

**АННОТАЦИЯ**

**Ишнинг долзарблиги.** Ўзбекистонда жорий этилаётган таълим тизими бўйича ёшларда мустақил фикрлаш қобилиятини тарбиялашда ўқитувчи билан ўқувчи муносабатларини тубдан ўзгартириш, яъни ўқув жараёнини инсонпарварлаштириш масаласи ўта муҳимдир. Чунки бу бевосита ёшларимизнинг тафаккурига, онгига, руҳиятига таъсир этиш билан амалга оширилади. Олий таълимни бошқариш, илмий тадқиқот ва усуллари йўналишида муассаса ва ташкилотларнинг вазифаларини белгилаб берувчи меъёрий асос яратилди. Давлат таълим стандартларини, янги ўқув режалари ва дастурларни жорий этиш тартиблари белгиланди.

**Ишнинг мақсад-вазифалари:** Битирув малакавий ишининг мақсади талабаларнинг ақлий фаолиятини ривожлантириш хусусиятларини илмий-назарий таҳлил қилиш орқали ёритиш, **вазифалари** талабаларнинг билиш фаолияти, ақлий фаолиятнинг назарий асослари, интерактив методлар ёрдамида ақлий фаолликни ошириш хусусиятларини баён этишдан иборат.

**Ишнинг тузилиши:** Кириш, асосий қисм - 4 та боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар руйхатидан ташкил топган.

**Ишнинг мазмуни:** Талабаларнинг ўқув жараёнидаги ақлий фаолияти ҳар томонлама педагог ва психологлар томонидан чуқур ўрганилган. Олий ўқув юрти шарт-шароитларида ёшларни тарбиялаш ва ўқитиш ҳам, айниқса уларда илмий-назарий тафаккурни ривожлантириш ўзига хос хусусиятларга эга бўлади.

**Хулоса:** Шахснинг барча индивидуал-психологик хусусиятлари каби ақлий қобилиятлар унга қандайдир табиат томонидан туғма равишда, тайёр ҳолда берилмайди, балки ҳаёт ва фаолият жараёнида таркиб топади. Киши дунёга ҳеч қандай психик хусусиятларсиз фақат уларни орттиришга

қаратилган умумий имкониятлар билан келади, холос. Киши мияси фақат воқелик билан ўзаро муносабат ва актив фаолият натижасида ўзининг илгариги индивидуал-психологик фазилатлари ва хусусиятларини (шу жумладан, қобилиятларини ҳам) намоён қилган ҳолда теварак-атрофимиздаги оламни акс эттира бошлайди. Илмий психологияда қабул қилинган ақлий қобилиятлар туғма бўлмайди деган қонидани ҳам ана шу маънода тушуниш керак.

**Илмий раҳбар:**

**Мирзаева Ш.Р.**

**Талаба:**

**Умарқулова С.А.**